ЎзССР Давлат китоб палатаси
Қайд. №
Чоп этилган вилоят: ЎзССР
280793

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

# Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

24 ИЮЛЬ, ШАНБА
№ 144 (639).
1993 йил.
Сотувда — эркин нархда.

# КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА ЭРОННИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ САИД МУҲАММАД МУСО ҲОШИМИЙ ГУЛПОЙГОНИЙ ИШОНЧ ЁРЛИҒИНИ ТОПШИРДИ

Эрон Ислом Жумҳурияти-нинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Саид Муҳаммад Мусо Ҳошимий Гулпойгоний 23 июль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи жаноблари ишонч ёрлиғини топширар экан, Эрон Ислом Жумҳурияти Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро муносабатларни икки халқ анъаналари ва тарихидаги муштаракликка таянган ҳолда ривожлантириш тарафдори эканини айтдн. Иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг кенгайиши икки мамлакат халқлари манфаатига хизмат қилади, деб умид билдирди.

Ислом Каримов халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг узоқ тарихи борлиги, Ўзбекистон билан Эрон муносабатлари равнақига ўтган йил кузида ўзининг бу мамлакатга расмий сафари чоғида имзоланган ҳужжатлар мустаҳкам пойдевор бўлажагини таъкидлади. Бу муносабатлар тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик тамойилига таянади, деб айтди. Минтақадаги икки кўп томонлама иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши транспорт инфраструктурасини ривожлантириш ишида муҳим омил бўлишига эътиборни қаратди. Элчи жанобларига янги ва масъулиятли ишда муваффақият тилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати**



СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат

ЭРОН ИСЛОМ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

## САИД МУҲАММАД МУСО ҲОШИМИЙ ГУЛПОЙГОНИЙ



1954 йилнинг 21 мартида Теҳронда туғилган. Олий маълумотли, Теҳрон университетининг маданият тарихи факультетини тугатган.

1980 — 83 йиллар — Эрон Ислом Жумҳурияти Исломий кенгаш мажлиси умумий алоқалар бўлимининг бошлиғи.

1983 — 87 йиллар — Эроннинг Вена (Австрия)даги элчихонасида маданият ишлари бўйича атташе.

1987 — 89 йиллар — Эроннинг Будапешт (Венгрия)даги элчиси муовини.

1989 — 92 йиллар — Эрон Ташқи ишлар вазирлигидаги Шарқий Европа мамлакатлари масалалари билан шуғулланувчи иккинчи бошқарма бошлиғининг ўринбосари.

1992 — 93 йиллар — Ўзбекистон Республикасида Эрон-Ислом Жумҳуриятининг муваққат ишлар вакили.

Инглиз, араб ва немис тилларини билади.

Оилали, икки фарзанди бор.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.**

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**С. С. САИДҚОСИМОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Саидмухтор Сандғозиевич Саидқосимов Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 июль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**С. С. САФОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Содиқ Солиҳович Сафоев Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 июль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**С. С. САФОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Содиқ Солиҳович Сафоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 июль.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**С. С. САФОЕВГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ДИПЛОМАТИК ДАРАЖАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА**

Содиқ Солиҳович Сафоевга Ўзбекистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси дипломатик даражаси берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти**
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 июль.

# Ғаллаоролнинг олтин бошоқлари

«ҒАЛЛАОРОЛ» ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ РЕСПУБЛИКАНИНГ БАРЧА ВИЛОЯТЛАРИ УЧУН 4800 ТОННА ЭЛИТА УРУҒЛИК ЖАМҒАРДИ

РЕПОРТАЖ





СУРАТЛАРДА: 1. Ўрим пайти. 2. Олтин бошоқ.

Ш. УРАЗАЛИЕВ ва О. ҲАМЗАЕВ олган суратлар.

Бу хўжаликка борганимда, тўғриси, ўзимни ортиқча сездим. Келганимга бир оз пушаймон бўлиб, қайтиб кетмоқчи ҳам бўлдим. Чунки ҳамма иш билан банд, мавсум қизигандан-қизнган, сен билан гаплашишга ҳеч кимнинг вақти йўқ. Аммо бир илож қилиб, бош ҳосилот Камолиддин Исоқов билан далаларни айландик. 29 ёшли бу ҳинча, эпчил, кийиниши оддий тракторчидан фарқилмайдиган йигит 25 ёшида ғалла касалликлари бўйича фан номзодлигига диссертация ёқлаган бўлиб, кузовли «УАЗик»ни ўзи бошқариб, мудом дала кезарканлигидан бўлса керак, ўзига ишониб, ишчиларига унча эътибор бермайди, шекилли. Аҳир аксарият хўжаликларда бош ҳосилотлар галстук тақиб, хром туфли киядн. Тўғриси, мен ҳам бу йигитга аввал эътибор бермаган эдим, таништиришганларидан сўнггина «Шу йигит бош ҳосилот бўлса, унда ишлар зўр», деган қарорга келдим. Камолиддиннинг айтишича, хўжалик 13 минг гектар ерга ғалла экиб, 14 — 16 минг гектарли хўжаликлардан зиёд ҳосил оларкан.

Нега?

Чунки агротехника қоидаларига амал қилинади, ҳар йили алмашлаб экиш тамойилига биноан ернинг тўртдан бир қисмига дам берилади. Шудгорлаш даврида ер, албатта, ўғитланади. Бу нарса табиий бир ҳол сифатида одатга кирган.

Камолиддиннинг гапига исбот: ўрим-йиғим қизғин давом этаётганда биз энг аввал ер ҳайдовчи трактор-ларга дуч келдик. Бир томонда ғалла ўриляпти, иккинчи томонда замин пешма-пеш шудгорланаяпти. 1-фермага қарашли далада «К-700» ҳайдовчиси Элмурод Жўрабековга мени таништиришганда, очиғи, у уялиб кетди: «Адашдинглар, мен ер ҳайдовчиман, мана, комбайнчилар ҳақида ёзинглар», дея Ҳамро Мирзақобиловни бизга дуч қилди.

— Мендан зўрроқ комбайнчилар ҳам кўп, — деди бу соддагина йигит. — Бировдан кам, бировдан кўп, ишқилиб, ўриниб жотиппиз. Ҳеч мақтанайтирган жери йўқ.

Маълум бўлишича, бу жигит мақтанишга арзирли ишлар қилиб улгурган: ҳар куни 10 гектарга қадар ғалла ўриб, 10—12 тонна ғалла янчаяпти. Шу хизмати учун кунига 2200 сўм ишлаяпти.

— Ўзи, сен паст кетма, — деди Элмурод Ҳамрога. — Дадил гапир. Комбойда журипсамма, кўкрагингга шамол тияйпма, ғаллангнинг бари мениқи де! Республика бўйича газитти ўқиган қизлар Ҳамро акажон деп Ғаллаоролга жугурип келайберсин.

— Керагамас, ўзимизнинг бола-чақани боғиб осагам катта гап, — деди Ҳамро.

«Ғаллаорол» давлат хўжалиги бу йил режага кўра 16,5 минг тонна ғалла олади, шунинг 60 фоизи, яъни 9,5 минг тоннаси элита ва 1-репродукцияли уруғликдир. Қолгани ностандарт, фақат емга ярайди. Шу салкам 10 минг тоннанинг 2100 тоннасини хўжалик ўзида экиш учун олиб қолади, 1300 тоннасини суғурта жамғармасига ўтказади. Яна 4800 тоннага республика бўйича буюртма келган. Бу ёқда эса давлатга 10 минг тонна ғалла топшириш керак бўляпти. Хуллас, бош ҳосилотнинг боши қотган. Энг аввало, олий навли буғдойнинг ҳаммасини давлатга сотса, хўжалик қолоқлик ботқоғига ботади, чунки ҳосилни қиммат сотамиз, деб шунга яраша ҳаракат қилишган. Ундан сўнг... Бутун республикага зарари тегади!

Негаки, мамлакат бўйича фақат «Ғаллаорол»да элита уруғлик етиштирилади. Президентимиз фармонига биноан ғаллазорларни яна 300 минг гектарга кўпайтиришга, уруғчиликни ривожлантиришга аҳамият берилиб турилган бугунги кунда агар хато қилинса, у жуда қимматга тушиши аҳтимолдан ҳоли эмас.

*(Давоми 2-бетда).

# ИЙМОН ВА ҲАЛОЛЛИК ВАТАНИМИЗ РАМЗИ БЎЛСИН

Президент номига ҳар куни юзлаб хат келади. Аксарияти — ризолик изҳори. Аммо уларнинг кўпи матбуот юзини кўрмайди. Бунинг сабаби ўқувчига аён: юртимиз етакчиси Олий Кенгаш мажлисида сўзлаб туриб, «мени кўкларга кўтармангиглар, мен ҳам шу халқнинг оддий бир фарзандиман», дея илтимос қилгани ҳаммамизнинг ёдимизда.

Бугун биз Президент номига келган мактублардан бирини халқимизга ошкор этмоқчимиз. Бу хатни ёзганлар — аҳли дин. Кўпни кўрган, дунёнинг пасту баландидан бохабар, эл орасида сўзи тарози босадиган маърифатли инсонлар. Муаллифларнинг исми шарифлари кўрсатилмаганига ажабланмаслик керак. Бу ҳол, аввало — камтарликдан, қолаверса — улар буюк бир жамоадирки, барчани номбаном санамоқнинг имкони йўқ.

Муҳими шундаки, уларнинг ният холис: қай вақт ва қандай шароит бўлмасин бандасини иймондан айирмасин. Токи у яхшилик ва ёмонликнинг фарқига борсин, тоифакашлик қилмасин, ҳалол ва пок, маърифатли ва тарбиятли бўлсин.

Дин аҳли ўта вазмин ва мулоҳазали келади. Уларнинг айтган ҳар бир сўзи пухта ўйланган ва ўлчанган бўлади. Биз бу гоят сермазмун ва мухтасар мактубни газетхонлар эътиборига ҳавола этаркамиз, унга камтарона бир илова тарзида, янги истиқлол тарихи икки йўлга қараб кетаётган мамлакатимизнинг яқин ўтмишига бир қур назар ташламоқни фарз деб билдик.

Динга муносабат илгари қандай бўлгани ҳаммамизга маълум. Мустақиллик бонс дин аҳлига ҳам озодлик тегди. Аммо кечаги замон ғилдирагининг яна бир муддат ҳунук ғижирлаб турганн, юртимиз ташқарисида ҳам, ичкарисида ҳам айрим ғаламис кимсаларнинг дин пешволари билан янги ҳокимият ўртасига низо уруғларини сепмоқчи бўлгани сир эмас. Дин аҳли орасидан ҳам баъзи калтабинлар чиқиб, хориждан берилаётган қутқуга учиб мусулмонларни иоматлуб саркашликларга ундагани, Қуръони карим ягона муқаддас низом эканини унутиб, муайян сиёсий мақсадларни кўзловчи фирқа-ю ҳизблар тузишга уринганн ҳам афсор оммага аён.

Аммо бу хил жунбушлар чиппакка чиқди. Аслида шундай бўлиши ҳам керак эди. Такрор бўлса-да, Ислом Каримовнинг бир гапини эслаш жоиз келади. У киши айтган эдики, биз инсонларни «сен — коммунист», «сен — диндор» дея ажратмадик, жамиятни ўзаро зид тоифаларга парчалаб ташлашга йўл қўймадик.

Бу гап айтилганига анча бўлди. Бу орада не-на янги салтанатларнинг фуқаролари ўзаро тортишиб, турли тоифаларга бўлиниб, тўзиб кетди. Шунчаки тоифакашлик бўлса ҳам бир нав эди, аммо ўртадаги тафовут беадад одамни алвон қонига бўядики, қутқу қурбонлари бўлмиш миғлаб ва миллионлаб кишининг қалб жароҳатлари ҳали-вери битиши қийин.

Нега улар — ён қўшниларимиз — муросага миғлаб имкон бўла туриб, ўз вақтида ҳушёр тортмадилар? Нега улар сулҳни қўйиб, низо ва зўрлик йўлини тутдилар? Тенгсизлик рўй бермоғини енгиб била туриб, нега ўз юртлари тараққиётини неча ўн йиллар ортга суриб ташладилар?

Бу хил изтиробли саволларга жавоб топиш мушкул. Жабрдийда кўнгилларда йиғилган қат-қат алам ҳар қандай жўяли шарҳни ҳам бирданига қабул этавермайди. Ақл кўзи қайтадан очилмоғи ва аввалгидай равшан кўрмоғи учун ҳали кўп фурсат керак.

Аллоҳ ато этмиш ҳар бир осойишта дақиқанинг қадрини зарга-да чақиб бўлмас. Тинчлик ва муросе шундай бир неъматки, одамзод уни мисоли сув билан ҳаво каби беминнат билади. Биз, кундалик меҳнат билан андармон Ўзбекистон фуқаролари: «Худога шукр, юртимиз тинчу осойиш», дея кўп гапирамиз. Бунинг сабаби билан эса ишимиз ҳам йўқ. Бу — табиий бир ҳол. Одатда ўз бурчини тўғри англайдиган ва ҳалол адо этадиган ҳар бир салтанатда шундай бўлади. Бугун, қўшни минтақалар алғов-далғов бўлиб турган пайтда, истиқлол дамларига етганига ақалли икки йил ҳам тўлмаган ёш бир давлат фуқароларининг тинчлиги ва ҳалол ризқу рўзини кафолатлаб, юздан ортиқ миллат ва элат, неча ўнлаб дину мазҳаб вакилларининг ўзаро иноқлиги сақлаб турилганида не асрор борлигини мулоҳаза этиб кўрсак зиён қилмасди.

Бу ҳолнинг сири жуда оддий — юртнинг эгали эканида. Бу сўзни айтганда нафақат юрт етакчиси Ислом Каримовни, балки ўзимизни — йигирма икки миллион нуфусли Ўзбекистоннинг ҳар бир фарзандини ҳам назарда тутмоғимиз керак. Президентнинг фазилати — мавжуд ва истиқболдаги турли-туман ижтимоий жараёнларни олдиндан ва тўғри англаганида, ўзи сезган ва билган гапларни юракдан ўтказиб, кейин ҳар бирмизнинг қалбимизга ёткза олганида. Фуқаронинг ютуғи — уни сайлаб янглишмаганида. Бугун ўтиш даври қийинчиликларини бошдан кечирда туриб амин бўлдикки, сайлов натижалари ўзгача бўлганида иқтисодий танглик сиёсий тангликка айланиб кетиши ва — энг ёмони — бизнинг Ватанимизда ҳам бугунги Озарбайжонча «ечим» юз бермоғи муқаррар экан.

Жамият бутунлигининг яна бир сабаби шуки, унинг мафкурасига иймон ва ҳалоллик аввал-бошдан асос этиб олинди. Янги жамият мафкураси хусусида гап кетар экан, қар гал қадимий тарихимиз, анъаналаримиз ва ислом динининг олижаноб ақидалари замонавий талаб ва қоидалар билан баробар тилга олиниши биз учун табиий бир ҳолдир. Бу сўзларнинг шунчаки шиор эмас, амалдаги дастур эканини дин пешволарининг мактуби яна бир карра исботлаб турибди.

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МАСЖИДЛАРИНИНГ ИМОМ-ХАТИБЛАРИ, МУТАВВАЛЛИЛАР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ ВА ФАОЛЛАРИ ИШТИРОҚ ЭТГАН УМУМИЙ ЙИҒИЛИШДА ЖУМҲУРИЯТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ МУҲТАРАМ ИСЛОМ АКА АБДУҒАНИ УҒИЛЛАРИ ҚАРИМОВ НОМЛАРИГА ЮБОРИШ УЧУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН**

# МУРОЖААТНОМА

**Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармаси қароргоҳи, 1993 йил 14 июль.**

Бисмиллаҳир Раҳмонир раҳим.

Қадрли Президентимиз, жонажон Ватанимизнинг том маънода мустақилликка эришганига икки йил бўлаётгани муносабати билан шахсан сизни ва сиз орқали халқимиз фаровонлиги йўлида камарбаста бўлиб фидойилик кўрсатаётган барча инсонларни Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган мусулмонлар номидан самимий қутлаймиз ва сизга Ўзбекистониизни буюк давлат қилиш йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Биз шу фурсатдан фойдаланиб жумҳурнятимизнинг мустақилликка эришишида сизнинг тарихий хизматларингизни яна бир бор таъкидлаб ўтишни истар эдик. Зеро, мустақилликнинг снзнинг машаққатли саъй-ҳаракатларингиз, бедор ўтказган тунларингиз, одилона ва донишмандлик билан юритган снёсатингиз эвазига қўлга киритилганини биз яхши биламиз. Шунинг учун ҳам биз сиз билан фахрланамиз ва сизни қадрлаймиз. Ўзбекистон тарихида биз, руҳонийлар, биринчи бор ҳақиқий эътиқодий ҳуррнятга эришдик. Ўлкамизда очилган минглаб масжидлар, янги қурилаётган сону саноқсиз ибодатхона ва мадрасалар, миллионлаб нусхада чоп этилаётган диний китоблар бунинг яққол далилидир. Бу улуғвор ишларингиз ўлкамизда эътиқодий қадриятларимизнинг, исломий ахлоқ-одобимиз ва инсоний оқибатларимизнинг тикланишига катта ҳисса қўшаётганн ҳаммага маълум ва ҳар қандай таҳсину мақтовларга сазовордир. Аммо, афсус ва надоматлар бўлсинки, баъзи бир руҳонийларимиз бу эътиқодий ҳуррнятни суиистеъмол қилишга, ғаразли мақсадларига эришиш учун биродарларимиз ўртасида мазҳабий ихтилофларни қўзғаб, улар орасига рахна солишга, тинч ва осуда ҳаётимизни бузишга, ҳатто жиноий ишлар қилишга уриндилар. Биз бундай ғаразгўй кимсаларнинг қилмишлари ислом таълимотига мутлақо зид эканини ошкор изҳор этамиз ва уларнинг барча ҳаракатларини қаттиқ қоралаймиз ҳамда жиноят содир этганларнинг қонун олдида жавоб беришларини талаб қиламиз. Чунки қонун ҳамма учун баробардир. Қонун бузилган жойда осойишталик бўлмаслиги оқил кишиларга маълумдир.

Шу муносабат билан қўшни Тожикистондаги ислом мутаассибларининг ёлғон ваъдаларига алданиб, қўлларига қурол олиб ватандошларига қарши курашаётган ислом аҳлларини биродаркушлик урушига чек қўйишга даъват этамиз ва пайғамбаримиз Алайҳиссаломнинг қуйидаги ҳадисларига амал қилишига чақирамиз. «Қўли ва тили билан мусулмон биродарига озор бермайдиган кимса;— ҳақиқий мусулмондир!»

Биз мусулмон биродарларимиз шуни яхши англаб олишларини истар эдикки, ислом мутаассиблари — исломнинг муқаддас таълимотларига зид ўлароқ, уни ниқоб қилиб олиб, сиёсий ҳокимиятни қўлга киритишга уринаётган бир ҳовуч дунёпараст ва мансабпараст ғаразгўйлардир.

Муҳтарам Президентимиз, биз Сизнинг дину диёнатимиз равнақи, сафларимизни бирлаштириш, ёшларимизни исломий урф-одатлар руҳида илм ва маърифатга муҳаббатли қилиб тарбия этиш, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқларимиз модднй фаровонлигини ошириш, Ватанимиз мустақиллигини асраш, юртимизда тинч ва осуда ҳаётни барқарор этиш йўлидаги буюк ишларингизда мададкор бўламиз, деб ваъда берамиз.

Аллоҳ таоло Сизга доимо ёр бўлсин!

*Лойиҳа*

## *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни*

# МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

### I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

**1-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти**

Халқ депутатлари Кенгашлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

**2-модда. Маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти бошлиғини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**

Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинлаиади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими вилоят ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатларн Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Туман марказлари ҳисобланган шаҳарларда вилоят ҳокими шаҳар ҳокимини туман ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органи тузиш ваколатига эга.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокими тегишли шаҳар, туман ҳокими томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман, шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашларининг ваколат муддати — беш йил.

**3-модда. Ўзбекистон Республикасининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ҳокимлар тўғрисидаги қонунлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республнкасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасида халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ва тегишли ҳокимларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинади.

**4-модда. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари ва ҳокимларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро муносабатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари ва вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли ҳудудда ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришга кўмаклашадилар, ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини йўналтириб турадилар.

**5-модда. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикаси бошқа маъмурий-ҳудудий тузилмалари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими умум манфаатни ифодаловчи тадбирлар ўтказиш, қўшма корхоналар, хўжалик ташкилотлари тузиш учун моддий ва молиявий ресурсларни бирлаштириш, турли тармоқлар ва бошқарув соҳаларида фаолиятларни уйғунлаштириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг, Ўзбекистон Республикасининг бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан шартномалар асосида ўзаро муносабатлар ўрнатишга ҳақлидирлар.

**6-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қиладиган ҳужжатлар**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ҳамда чиқарган ҳужжатлар, башарти ана шу ҳужжатларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

### II БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСИ

**7-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг иқтисодий асосини ташкил этувчи мулк шакллари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими фаолиятининг иқтисодий асосини маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг давлат мулки (коммунал мулк) ҳамда вилоят, туман ва шаҳарда мавжуд бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи бошқа мулк ташкил этади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши ва вилоят, туман, шаҳар ҳокими мутлақ Ўзбекистон Республикаси мулкида бўлган давлат мулки объектларига нисбатан ишлаб чиқариш ва ижтимоий объектларни самарали жойлаштириш, табиий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширадилар.

Вилоят, туман, шаҳар мулкини, шунингдек, вилоят, туман ва шаҳарга хўжалик юритиш учун берилган давлат мулки объектларини бошқариш тартиби ушбу Қонун, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан йўлга солинади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими ўзлари идора қилаётган ҳудуддаги мулкчиликнинг турли шаклига асосланган корхоналар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилмаган, тадбиркорлик ва хўжалик фаолиятини эркин юритишга тўсқинлик қиладиган чекловларни жорий этишга ҳақли эмаслар.

**8-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки**

Вилоят, туман, шаҳар мулки давлат мулки шакли ҳисобланади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг мол-мулки, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар ва аниқ мақсадга қаратилган фондлар вилоят, туман, шаҳар мулкидир. Вилоят, туман, шаҳар аҳамиятига эга бўлган мудофаа, хавфсизлик инфраструктураси объектлари ва бошқа объектлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, фан ва маданият корхоналари, бирлашмалари ҳамда муассасалари, вилоят, туман, шаҳар маблағи ҳисобидан ташкил этилган ёки сотиб олинган, шунингдек улушбай асосларда ташкил этилган ёки сотиб олинган ёхуд халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига бошқа манбалардан бепул берилган қимматли қоғозлар ва молия активлари тегишли вилоят, туман, шаҳар мулки бўлиши мумкин.

**9-модда. Вилоят, туман, шаҳар мулки объектларини бошқариш**

Халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким ер муносабатларини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгилаб қўйилган доирада тартибга соладилар.

### III БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСИ

**11-модда. Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари**

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурсларини бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, аниқ мақсадга қаратилган фондлар, кредит ресурслари, шунингдек республика (вилоят, Тошкент шаҳри) бюджетидан ажратилган субвенциялар ва дотациялар ташкил этади.

Вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан биргаликдаги дастурларни, шу жумладан ҳудудлараро дастурларни пул билан таъминлаш учун бошқа вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг мулия ресурслари билан шартнома асосида бирлаштирилиши мумкин.

**12-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг бюджетга доир ҳуқуқлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши вилоят, туман, шаҳар бюджети ва унинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди.

Вилоят, туман, шаҳар бюджети лойиҳаларини тайёрлаш, унинг ижросини ҳоким амалга оширади. Бюджет лойиҳаси ҳоким томонидан даромадлар манбаи ва ҳаражатлар йўналишлари ҳам кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.

Ижроия-бошқарув органларини пул билан таъминлаш бюджетда назарда тутилган миқдорларда амалга оширилади.

Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тегишлича туманга бўйсунувчи шаҳар ҳамда шаҳардаги туман бюджетини ва, унинг ижросига доир ҳисоботларни ҳам тасдиқлайдилар.

**13-модда. Вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари ва сарф-ҳаражатлари**

Вилоят, туман, шаҳар бюджети даромадларига:

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ олинадиган солиқлар ва йиғимлар;

вилоят, туман ва шаҳарга қарашли мол-мулкни ижарага бериш ёки сотишдан келадиган тушумлар;

қонунларда назарда тутилган ҳолларда вилоят, туман, шаҳар мулки ҳисобланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг текшириш вақтида аниқланган яшириб қолинган ёки камайтириб кўрсатилган даромадларининг муайян қисми;

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бошқа тушумлар киритилади.

**14-модда. Маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетидан ташқари фондлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши:

фуқаролар, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бадаллари ва хайрияларидан;

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундириладиган айрим турдаги жарималардан;

бюджетдан ташқари ўзга маблағлардан таркиб топадиган бюджетдан ташқари фондлар ҳосил қилиши мумкин.

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари банкдаги махсус счётларда туради, уларни олиб қўйиш мумкин эмас, улар тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига биноан сарфланади.

**15-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар валюта фондлари**

Халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ вилоят, шаҳар валюта фонди ташкил этиш ва улардан халқ депутатлари Кенгашининг қарорларига биноан фойдаланишга ҳақлидир.

### IV БОБ. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

**16-модда. Халқ депутатлари Кенгашини сайлаш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ вилоят, туман, шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган халқ депутатларидан иборат бўлади.

**17-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг сессиялари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий иш шакли сессиядир. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сессиялари тегишли ҳоким томонидан заруратга қараб бироқ йилига камида икки марта чақирилади. Ҳокимнинг Кенгаш сессиясини чақириш тўғрисидаги қароридан депутатлар сессия очилишидан камида етти кун олдин хабардор қилинади.

Янги сайланган халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг биринчи сессияси ҳоким томонидан сайловдан кейин кечи билан уч ҳафталик муддат ичида чақирилади ва у кекса депутатлардан бири томонидан очилади. Халқ депутатлари Кенгаши сессияларида ҳоким, у йўқлигида эса Кенгашнинг қарорига ёки ҳокимнинг топшириғига биноан мазкур Кенгашнинг депутатларидан бири раислик қилади.

Халқ депутатлари Кенгашнинг ҳар бир сессиясини ўтказиш даврида депутатлар орасидан сессия котиби ёки котибияти сайланади.

Халқ депутатлари Кенгашининг сессияси, башарти унда жами депутатларнинг камида учдан икки қисми иштирок этсагина, ваколатли ҳисобланади.

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича очиқ ёки яширин овоз бериш орқали, депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қарор қабул қилинади.

**18-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг иш тартиботи**

Халқ депутатлари Кенгаши сессияларини чақириш ва ўтказиш, сессия муҳокамасига масалалар киритиш ва уларни қараб чиқиш, халқ депутатлари Кенгаши органларини ташкил этиш ва сайлаш, уларнинг фаолиятига доир ҳисоботларни тинглаш, шунингдек депутатлар сўровларини, қарор лойиҳаларини, овоз бериш якунларини қараб чиқиш, қарорларни эълон қилиш, сессияга таклиф этиладиган шахслар сонини аниқлаш тартиби, депутатларнинг масъулияти ва Кенгаш сессиясининг ишини ташкил этишга доир бошқа масалалар халқ депутатлари Кенгашининг иш тартиботига мувофиқ белгиланади.

**19-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг доимий комиссиялари ва депутатларнинг бошқа бирлашмалари**

Сессия муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда қараб чиқиш ва тайёрлаш, халқ депутатлари Кенгаши қарорларини ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш, ўз ҳуқуқ-ваколатлари доирасида назорат ўрнатиш мақсадида халқ депутатлари Кенгаши ўз ваколати муддати учун доимий ва муваққат комиссиялар тузади. Комиссиялар тўғрисидаги Низом тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Тегишли Кенгашнинг депутатлари гуруҳлар ва бошқа депутатлар тузилмаларни ташкил этишлари мумкин. Депутатларнинг тузилмаларини ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш тартиби ҳамда уларнинг ваколатлари халқ депутатлари Кенгаши иш тартиботи билан белгиланади.

**20-модда. Халқ депутатлари Кенгаши фаолиятини ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатиш тегишли ҳокимлик томонидан таъминланади. Ҳокимлик юридик шахс бўлиб, унда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳр бўлади.

### V БОБ. МАҲАЛЛИЙ ИЖРОИЯ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

**21-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимиятининг раҳбарияти**

Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари бўлади.

Ҳоким ва унинг ўринбосарлари халқ депутатлари тегишли Кенгашининг депутатлари орасидан тайинланадилар ва тасдиқланадилар.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган тегишли қарор халқ депутатларн Кенгашининг тасдиғига киритилади.

Туман шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари тегишли ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этиладн, бу хусусда қабул қилинган тегишли қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасднғига киритилади.

Ҳокимнинг ўринбосарлари ҳоким томонидан белгиланган вазифалар тақсимотига мувофиқ иш бажарадилар. Ҳоким йўқлигида ёки у зиммасидаги вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлмаган тақдирда унинг ваколатларини биринчи ўринбосар ёки ҳокимнинг топшириғига биноан унинг ўринбосарларидан бири бажаради.

Ҳоким, уннинг ўринбосарлари, ҳокимликнинг бошқа ходимлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахслари бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллашлари мумкин эмас.

**22-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органларининг структура ва штатлари**

Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

Туман, шаҳар ижроия ҳокимияти органларининг структураси ва штатларн ҳоким томонидан юқори турувчи ҳоким билан келишилган ҳолда тегишли халқ депутатлари Кенгаши тасдиқлаган бюджет доирасида белгиланади ва ўзгартирилади.

**23-модда. Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш**

Башарти, қонунларда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилишнинг ўзга тартиби белгиланмаган бўлса, ижроия ҳокимияти (ҳокимлик) структура бўлинмаларининг раҳбарлари тегишли ҳокимнинг тақдимига биноан халқ депутатлари Кенгаши томонидан, сессиялар оралиғидаги даврда эса ҳоким томонидан тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, бу хусусда қабул қилинган қарор халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

### VI БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШЛАРИ ВА ҲОКИМЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

**24-модда. Халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари**

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг асосий ваколатларига:

ҳокимнинг тақдимига биноан маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни, ҳудудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини, туман, шаҳарнинг бош режаси ва унинг қурилиш қоидаларини тасдиқлаш;

амалдаги қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва бож миқдорини белгилаш, солиқлар, йиғимлар ва маҳаллий бюджетга тушадиган тўловлар бўйича имтиёзлар бериш;

ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимга тасдиқлаш, ҳокимни ва унинг ўринбосарларини лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолиятига доир ахборотларни тинглаш;

ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳоким қарорларини тасдиқлаш;

халқ депутатлари Кенгашининг иш тартиботини, халқ депутатлари Кенгаши доимий ва бошқа комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш;

халқ депутатлари Кенгашининг доимий ва муваққат комиссияларини, бошқа органларини тузиш, сайлаш ва тугатиш, уларнинг таркибини ўзгартириш, улар ишига доир ҳисоботларни тинглаш;

қонунларда белгиланган ҳолларда ва тартибда халқ депутатларининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш, уларни жавобгарликка тортиш учун розилик бериш;

ижроия ҳокимияти (ҳокимлик) бўлимлари, бошқармалари, бошқа структуравий бўлинмаларининг ҳисоботларини тинглаш;

халқ депутатларининг сўровларини қараб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш;

ҳокимнинг ва қуйи Кенгашнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларига мос келмайдиган қарорларини бекор қилиш;

ҳокимнинг тақдимига биноан ҳокимлик структурасини, унинг ходимлари штатлари ва иш ҳақи фондини тасдиқлаш киради.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ўз ваколатларига берилган масалаларни ҳам, ташкилий масалалар ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ назорат этишга доир масалаларни ҳам ҳал этади.

**25-модда. Ҳокимнинг ваколатлари**

Вилоят, туман ва шаҳар ҳокими:

қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларини, юқорн турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади;

жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини, таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига тақдим этади;

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти (ҳокимлик) структура бўлинмаларининг раҳбарларнни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик котибияти бошлиғини, ҳокимлик бўлинмалари раҳбарларнн лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қуйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатларга, шунингдек юқори турувчи халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва халқ депутатлари Кенгашига қуйи турувчи халқ депутатлари Кенгашларининг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;

раҳбарлари тегишли халқ депутатлари Кенгашлари томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти (ҳокимлик) структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармасликларини учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонунан ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

### VII БОБ. ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КЕНГАШИ ВА ҲОКИМНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚОНУНИЙЛИКНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

**26-модда. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким фаолиятининг қонунийлигини назорат қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республнкасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорларини бекор қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек Ўзбекнстон Республикасининг давлат манфаатларига зид ҳужжатларини бекор қилишга ҳақлидир.

**27-модда. Юқори турувчи ҳокимият органлари қарорларининг қуйи органлар учун мажбурийлиги**

Юқори турувчи давлат ҳокимияти органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қабул қилган қарорлар қуйи органларнинг ижроси учун мажбурийдир.

**28-модда. Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан судга шикоят қилиш**

Ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатлар устидан фуқаролар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари судга шикоят қилишлари мумкин.

**29-модда. Ҳокимнинг прокурор раддия билдирган қарорлари қайта кўриб чиқилиши мажбурийлиги**

Ҳокимнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид ҳужжатларини шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, вилоят, туман, шаҳар мулкини бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик қилиш, қишлоқ хўжалиги, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳасида қонунан ўз ваколатига берилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этади.

**Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари қўмитасига юборишингизни сўраймиз.**

# Ғаллаоролнинг олтин бошоқлари

(Давоми. Бошн 1-бетда).

— Бизга Қирғизистон, Россия, Канада уруғлиги керак эмас, улар бизнинг ер шароитимизга тўғри келмайди, — деб куйиб-пишади Камолиддин Ўзбекистонга «Ғаллаорол»нинг уруғлиги керак. Уруғлик тайёрлаш бўйича бизда ҳамма шароит бор, бунақаси бошқа ҳеч ерда йўқ.

Яхшиям катталар уларнинг дод-войига қулоқ солипти, аммо режани ўйлаб, галлани давлат омборига қабул қилиб олишипти. Фақат ўртада келишган ҳолда элита уругликни ажратиб, алоҳида жойда тўплашипти. Хуллас, 4800 тоннага буюртма берган республика ташкилотлари, агар уруғлик зарур бўлса, тезроқ келиб, ўз улушларини олиб кетсалар яхши бўларди. Чунки галла давлатга топширилаётганидан ташқари, буюртмачилар сони ҳам кўпайиб боряпти. Ҳолбуки, тайёрланадиганининг ҳажми чекланган: жами 6 минг тонна етилиши мумкин, холос.

Дала хирмонида механиклар Асад Мардонов ва Юсуф Ҳасанов билан танишдик. Бу йигитлар шу ерда туғилиб ўсишган, эсини танигандан бери шу ерда меҳнат қилишади. Икковлон «Петкус-гигант» номли немисларнинг буғдой тозалаш аппаратларини гуриллатиб ишлатишипти. 20 та шунақа машинанинг ҳар бири бир кеча-кундузда 4-5 тонна буғдой тозаларкан. Айтишларича, айрим катталар: «Шундай зўр машиналарнинг умрини бекорга ўтказманглар, тезроқ юргизиб, 10—15 тоннадан тозалатинглар», дептн. Мутахассислар эса: «Бунақаси мумкин эмас, 10 тонна у ёқда турсин, ҳатто 6 тоннага етказсак ҳам, тозаланган галла сифати бузилади», дейишди.

Яқинда битта немис, битта голланд ишбилармони хўжаликда икки кун меҳмон бўлиб, унинг арпаси ҳақиқатан ҳам жаҳон стандартига мос келадиган пиво тайёрлашга ярайди, деган хулосага келишиб, шу ерда пиво заводи қурса бўлади, дейишипти. Аммо завод билан баравар унинг ёнида, Тошкент — Самарқанд йўлининг ёқасида чет эл саёҳатчилари тўхтаб, дам оладиган комплекс ҳам қуриш керак, токи улар шу ерда ҳордиқ чиқарсин. Бир кун Самарқандга, бир кун Бахмалга, бир кун Ғаллаоролга борсин, дам олаётганда маззa қилиб «Ғаллаорол» пивосини ичсин. Улар қурадиган пиво заводининг жиҳозлари ҳам «Петкус-гигант» каби алдоқчиликни кўтармайди, бўлғуси пивога сув мутлақо қўшилмайди. Комплексда ресторан бўлади, унда фақат миллий таомлар тайёрланади, миллий куй ва қўшиқлар янграйди, дейишипти меҳмонлар. Афсуски, ҳозир қаерга борсак, дастурхонга оврупоча оноқат қўйишади, джаз мусиқаларини янгратишади. Ахир биз бу нарсаларни кўриб тўйганмиз. Биз ўзбекларни, уларга хос нарсаларни кўрамиз деб келамиз бу ерга, дейишипти меҳмонлар.

Хуллас, бугун Ғаллаоролда иш қизғин. Миришкорлар ғаллани ўриб олишти, шу билан бирга ликда мазкур экиндан келажакда қандай даромад қилиш устида ҳам бош қотиришапти ва бу борада бир талай амалий ишларни бажаришга ҳам улгуришган. Айтишларича, ушбу воҳада Менделеев жадвалидаги элементларнинг 70 фоизи мавжуд. Ҳолбуки, биргина ғалланинг ўзидан ҳам катта саноат базасини яратиш, шунинг ҳисобига бу ердаги ишсизликни бемалол тугатиш мумкин экан. Ҳаракатлар бу кунлар яқинлигидан далолат бериб турипти.

**Абулқосим Муҳаммад РАСУЛ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ...ИККИ ЮЗЛАМАЧИЛИК

Муҳтарам ўқувчи! Олдингизда мустақил журналист А. Фадеевнинг «таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси», «ҳақиқат учун курашчи» Уктам Бекмуҳамедовга жавоби турибди. Москвадаги қандайдир ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти ходимининг «ахборот айирбош қилишни йўлга қўйиш» ва минтақа мониторинги (бу жаранглидор хорижий сўз ҳам одамларни чалғитиш учун келтирилган)даги бир қанча саволларга жавоб қайтариш ҳақидаги таклифига рози бўлган журналистнинг тутган йўлини ўзингиз тушуниб оласиз.

Саволлар эса унча жўн ва беозор эмас. Уларнинг ҳаммаси Ўзбекистонга тааллуқли. Бу саволлардан айримларини келтириб ўтамиз. «Чинакам иш ташлаш мавжудми?» «Исёнлар, тартибсизликлар, ғалаён даражаси, жиноятчилик даражаси қандай?» «Миллатлараро кескинлик, даъво-эътирозлар кучайяптими?», «Келгиндилар ва туб аҳоли ўртасидаги можаролар?», «Турли даражадаги ҳокимият тузилмалари ўртасидаги можаролар, ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги можаролар?»... Хуллас, шунга ўхшаш саволлар.

Хўш, Уктам Бекмуҳамедов ким ўзи, уни нима учун айни шу муаммолар қизиқтирмоқда?

У асли самарқандлик, олий ўқув юртини битирганидан сўнг вилоят комсомол комитетида ишлади. Талабалар қурилиш ташкилоти вилоят штабининг комиссари бўлган, амал поғонасидан кўтарилиш учун КПСС сафига кирган, халқ таълими вилоят бўлими мудирининг ўринбосари лавозимини эгаллаган. 1980 йилдан бошлаб компартия Самарқанд шаҳар комитетининг аъзоси, бу «партиявий штаб»да бўлимга бошчилик қилган.

«Ашаддий коммунист», «бахтли коммунистик келажак» йўлининг ашаддий тарафдори Уктам Бекмуҳамедов 1989 йилда бирданига ўтмишидан воз кечиб, рўйхатга олинмаган «Самарқанд» ижтимоий-маданий бирлашмасининг масъул котибига айланади. Бу ташкилотнинг асосий ташвиши — Марказий Осиё давлатларининг мавжуд чегараларини қайта кўриб чиқишдан иборат эди.

Ўша 89-йилда мана шу шиор остида митинг ўтказди. Бу митинг ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарор қилиш учун шароит яратди. Тўғри, бу енгил-елпи тадбир ҳеч кимга таъсир қилмади. Самарқандликлар (бу шаҳарда ўнлаб миллат вакиллари яшайди) нгвогарлик моҳиятини тезда тушуниб олишди. Сўнг Бекмуҳамедов ўзининг алоҳида аҳамиятга эга шахс эканини кўрсатиш учун навбатдаги найрангни ишлатди: яъни очлик эълон қилди. Тўғри, очлик узоқ давом этмади. Милиция ходимларига қаршилик кўрсатгани, уларга жароҳат етказгани учун икки йил ахлоқ тузатиш-меҳнат ишларига ҳукм қилинди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил май ойидаги фармонига мувофиқ афв этилди...

Бекмуҳамедов энди Самарқандда сиёсий обрў орттира олмаслигини тушуниб, Москвадаги шубҳали «ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти» паноҳига ўтиб олди. Бу институтда нималарни тадқиқ этишларини юқорида келтирилган саволлардан билиб олиш мумкин. Бундай фаолият нималарга олиб боришини қўшни Тожикистоннинг тажрибаси яққол кўрсатиб турибди. У ерда ўн минглаб бегуноҳ кишилар ҳалок бўлди.

Хўш, Уктам Бекмуҳамедов ким? Ўз эътиқодидан воз кечган партия ходими, амалпарастми, ҳақиқат учун курашчими ёки ҳеч нарсага ишонмайдиган одаммиз?.. Тўғрироғи, у виждон нималигини ҳам, шаън нималигини ҳам билмайдиган, икки юзламачи шахсдир!

(ЎзА).

НОМАЛАР — ҲАНГОМАЛАР

# ЧЎЧҚА ГЎШТИ ЕМАЙДИГАН... ДИРЕКТОР

МУЗРАБОТДА Дина Алексеевна Герасимова деган аёл бор — чўчқа боқади. Чўчқа гўштига эҳтиёж баланд йиллари унинг ошиғи олчи эди. Аммо кейинги пайтларда унга талабгорлар камайди. Бўлмаса чўчқа ҳаддан зиёд кучли ва покиза озиқлар билан боқилар экан. Лекин шундай бўлса ҳам... Хуллас, бир икки йил бўлди — одамларнинг чўчқадан ихлоси қайтмоқда. «Оила ва жамият» газетасининг Сурхондарёдаги мухбири Маҳмуд Абулфайз бу ҳодисани Ўзбекистоннинг истиқлолига, қадимги қадриятларимизнинг тикланаётганига боғламоқчи бўлди. Аммо бу жараёнга унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ!

Шундай қилиб, Музработдаги «Навбаҳор» совхозининг директори Равшан Худойқулов чўчқабоқар Дина Алексеевнага айтдики, биз бу ерда (чўчқахонада) энди бошқа маҳсулотлар чиқарамиз. Энди парранда, қорамол, ушоқ мол боқмоқчимиз. Дина Алексеевна эса Равшанбойга чўчқанинг фазилатлари ҳақида гапира кетди. Лекин фойдаси бўлмади. Шундан сўнг ўтган йиллар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, директорнинг устидан келиштириб «Чўчқага қарши» деган ариза ёзди-да, туман ҳокими Абдуҳалил Номозовга учради.

Ҳоким ўта мулоҳазали одам бўлгани учун аризачига тайинли гап айтмади, бу масалани ваколатли мутахассислар ўрганиб, натижасини сизга маълум қилишади, деб қўйди. Шунда Герасимова айтдики, мен бутун умримни чўчқачиликка бағишладим, бошқа иш қўлимдан келмаса... Бундай эҳтиросли мулоҳазалар ҳам ҳокимнинг кайфиятини чайқалтириб юбормади. Шунда Дина Алексеевна: «Агар директор чўчқачиликни тугатиб юборса, устидан арз қилиб Тошкентга бораман!» деди. Ҳокимнинг юзида қўрқув аломатларини кўпмагандан сўнг эса тақдиридан нолиди.

Герасимованинг менга айтишича, чўчқаларни чўчқахонаси билан ижарага олмоқчи. Директор бўлса кўнглинг кетиб турган бўлса, икки юз эллик чўчқанинг ҳаммасини ижарага бераман, аммо насияга эмас, нақд пулга депти. Қаерга олиб бориб боқсанг, ўзинг биласан, мен эса чўчқахонани молхона қиламан, депти...

**Тожиддин РАЗЗОҚ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# БИР ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

**ИЖОДКОР ЁШЛАР ЭЪТИБОРДА**

БУХОРО шаҳар мактабларидаги ижодкор ёшларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлими билан шаҳар халқ таълимининг бўлими биргаликда уюштирди.

Ғолибларга Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Бухоро бўлими ҳамда вилоят халқ таълимининг фахрий ёрлиғлари ва пул мукофотлари топширилди.

**РИШТАЛАР МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА**

ЎЗАРО биродарлашган Бухоро ва Туркиянинг Малатия шаҳри ўртасидаги дўстлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Йил бошида шаҳардаги марказий кўчалардан бирига Малатия номи берилган эди.

Яқинда турк биродарларимиздан хушхабар олинди. Малатия шаҳри кўчаларидан бирига Бухоройи Шариф номи берилибди.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





**Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Ленин номли жамоа хўжалигининг чорвадорлари Ўзбекистонимиз мустақиллиги байрамини меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш мақсадида чорва молларидан серқаймоқ сут соғиб олишмоқда. Жонкуяр молбоқарлардан бири— Ражаб Раҳмонқулов 180 бош соғин сигирни ўз вақтида тўйимли озуқалар билан парвариш қилаяпти.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Молбоқар Ражаб Раҳмонқулов. 2. Чорвачилик фермаси.**

Қ. АБДУҚУНДУЗОВ олган сурат.

# БИЗ АҲМОҚ ЭМАСМИЗ!

## МУСТАҚИЛ ЖУРНАЛИСТНИНГ МУҲОЖИР ДЕМОКРАТ У. БЕКМУҲАМЕДОВГА ОЧИҚ ХАТИ

Жаноб Бекмуҳамедов!

Қўлимдаги ҳужжатлардан ўз хоҳишимча фойдаланиш ҳуқуқимга асосланиб, сизга очиқ хат йўлламоқдаман. Очиқ хат шаклини орамизда тушунмовчилик ва англашилмовчилик бўлмаслиги учун ҳамда касбим тақозасига кўра танладим.

Илгари яхши пьесаларда бўлгани каби, муқаддимадан бошлайлик.

...1990 йил. Қайта қуриш, ошкоралик, демократия ғоялари, иттифоқ халқ депутатлари съезди эндигина вужудга келган демократик ҳаракатга янги омил бахш этди. «Норасмийлар»нинг дастлабки митинглари бўлиб ўтди («демократлар» сўзи ҳали сингмаган эди). Дастлабки очиқлик эълон қилинди, дастлабки маслакдошлар аниқланди... Бу одамлар шу қадар хилма-хил эдики, эндиликда, орадан бироз вақт ўтганидан сўнг эркинликнинг дастлабки қултумлари бизга қандай таъсир этганидан ҳайратга тушасан киши. Чунки бу одамларнинг кўпчилигида ғоя йўқ эди, шахсий аразларгина бор эди, холос. Сиз билан биз ҳам шундай эдик. Бизни кўп жиҳатдан ана шу муштараклик — ҳуқуқларимизнинг, инсоний қадр-қимматимизнинг камситилиши бирлаштирган эди. Биз бирбиримизга мадад беришга интилдик, ҳамма эшикларни тақиллатдик, дўқ-пўписаларга ҳам бу йўлдан қайтаришга уринишларга қарамай, очлик эълон қилишимиз ва сизнинг қамоққа олинишингиз сабабларини жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилдик. Менимча, ҳуқуқларни ғайри қонуний поймол қилинган ҳар қандай шахс худди шундай аҳволга тушиб қолган инсонга ёрдам беришга ҳамиша тайёр туради.

Ўшандан буён кўп эмас— атиги уч йил вақт ўтди, бироқ шу вақт ҳар ким ўз йўлини танлаб олиши учун етарли эди. Мен қийин аҳволга тушганимга қарамай, мустақил журналист бўлдим. Сиз эса муҳожир демократ йўлнни танладингиз.

Энди асосий воқеага ўтайлик. Сизнинг илтимосингиз — Москвадаги ижтимоий-сиёсий тадқиқотлар институти учун республика бўйича мониторинг тайёрлаш топширигингиз менга ёқмаяпти. Бу иш учун ким ва қачон ҳақ тўлаши ҳақида гапираётганим йўқ...

Биринчи саволим: бундай мониторинг нима учун зарур? Сизнинг Москвада демократ биродарлар орасида бўлишингиз «фойдали» эканини оқлаш учунми? Бу иш демократга ярашмайди. Бунинг устига, текинга ишлаб беришим учун Москвада қандайдир шахсларнинг мададини ваъда қилибсиз. Нима, ўзимнинг «ҳимоя остида» эканлигимни ҳис қилишим учунми? Лекин мен сизнинг сиёсий нафсониятингиз йўлида ўйинчоқ бўлишни хоҳламайман — буни мен очлик эълон қилган пайтимда жамоатчиликнинг диққат-эътиборини менга эмас, кечиргайлар — ўз шахсиятингизга қаратишга уринган пайтингиздаёқ тушуниб олганман.

Қаранг-а, қандай олижаноб жаранглайди — «Самарқанд» ижтимоий-маданий бирлашмасининг бош котиби Уктам Бекмуҳамедов журналист Фадеевнинг талабларини қўллаб-қувватлашга даъват этмоқда! Сиз ўша пайтдаёқ ўз сиёсий манфаатларингизни кўзлаб ҳаракат қилган эдингиз, шундай экан, ҳозирги сиёсий манфаатларингиз тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Айни шу манфаатларингиз теварагингизда маслакдошлар тўпланишига олиб келди. Бироқ сиёсий вазифаларни эмас, балки фақат маданий вазифаларни ҳал этиш учун тузилган ижтимоий-маданий бирлашманинг фаолиятини тўла-тўкис сиёсийлаштиришга мувофиқ бўла олмадингиз, фракциячиликка оғиб кетдингиз, чунки сиз иккиюч «сафдош»ингиз билан ўзларингиз учун миллий-сиёсий соҳадан ғаразли мақсадларда фойдаланиш йўлини белгилаб олган эдингиз. Зеро, ҳаракатларингиз ҳам ҳунук латифа даражасида — умумий ҳолда амалга оширилди, яъни фақат қуруқ гаплар ва ҳаддан ташқари ҳиссиётлардан иборат бўлиб қолди. Биздаги оми одамларнинг ҳуқуқий саводсизлиги тилларда достон эди, лекин жамоат ташкилотининг намояндаси (сиз ҳамиша уни ижтимоий-сиёсий ташкилот деб кўрсатишга уриниб келдингиз) ўша савияда гапирадиган бўлса, энг бардошли маъмурнинг ҳам жаҳли чиқиб кетади. Чунки ҳамма олий маълумотли! Бинобарин, сизнинг инсон ҳуқуқлари учун бошлагаи бутун юришингиз тўла шармандалик билан тугади. Шундай бўлиши ҳам лозим эди. Мана энди бировдар ҳисобига кун кўряпсиз, Айтмоқчи, «авахтада тортган жафоларингиз» муздидан чакки фойдаланмадингиз, чамаси, россияликларга кўмак бериш жамғармасига ҳам чанг солган бўлсангиз керак?

Фақат бир жиҳати яхши бўлмади — одамлар сизнинг фақат шахсий мақсадни кўзлабгина маъмуриятчилик тизимига қарши чиқаётганингизни пайқашиб, бирин-кетин ўзларини четга олишди. Кўпни кўрганлар бундай ишни пайқаб қолса борми — ҳаммаси барбод бўлди деяверинг, сиёсий эътирозларингизни йиғиштириб қўяверинг. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари комитетига юборилган ўша унутилмас маълумотномада тилга олинганларнинг учтасини шахсан танийман. Сиз уларни сиёсий қатағонлардан жабрланган шахслар қилиб кўрсатяпсиз. Ҳолбуки, бундай иш судда сохта гувоҳлик бериш деб аталади ва бунинг учун жиноий жазо берилади. Ўша уч кишидан иккитаси — аёл лар янглишиб сизнинг сиёсий ҳикматларингизга қулоқ солишган. Учинчи киши эса, қандай шаклда бўлмасин, сиёсий фаолиятда иштирок этишдан дарҳол ва бутунлай воз кечди. Чамаси, фамилиялари ва манзиллари аниқ кўрсатилган шахсларгагина жамғармалардаи ёрдам берилар экан.

Энди иккинчи савол — булар кимга фойдали? Сиз ўз топшириғингиз билан мени, афсуски, ўз шахсий муаммоларимни эмас, балки ўзингизнинг сиёсий муаммоларингизни ҳал этишга ундамоқчисиз. Сиз мендан олишни хоҳлаётган маълумотлар ҳалол, мустақил журналистикага мутлақо дахлсиздир, бу қинғир йўл сиёсати: сиз мендан малакали разведка маълумотларини олмоқчисиз. Бу маълумотларни бегоналарингг, яъни менинг қўлим билан, Россия фуқаросининг қўли билан олмоқчи бўлаётганингиз ғалати. Ўзбекистон иқтисодиёти ва сиёсатидаги бундай «тадқиқ»лар учун маҳаллий маъмурлар мутлақо қонуний асосда жавобгарликка тортишларн мумкин, бу эса сиз тез-тез эслатиб турадиган халқаро ҳуқуқнинг барча меъёрларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади, Хельсинки битимига ҳам мос бўлади. Чунки сиз таклиф этаётган иш — аслида мустақил давлатнинг ички ишларига аралашишдаи иборат. Масалан, иқтисодиётга доир саволларингизни олайлик, унда хусусийлаштириш билан шуғулланаётган шахсларни санаб ўтиш, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият ўртасида юзага келиши мумкин бўлган можароларни ёритиш талаб қилинади. Бу мустақил республиканинг ички иши эмасми? Касаба уюшмаларининг сиёсий партиялар билан алоқалари ҳақидаги тафсилотлар-чи? Ҳа! Яна варақалар чиқариш фаолияти мумкинлигини таҳлил қилиш лозим экан. Сўнгги савол ҳаммасидан ҳам ошиб тушади: армиянинг аҳволи ва аҳолининг қуролланиши. Бу нима учун керак бўлиб қолибди? Ёрдам бериш учунми? Аммо бу ҳақиқатан ҳам Ўзбекистоннинг ички иши, бу ишда унга ҳеч ким ёрдам бермайди. Можаро чиққан тақдирда вазиятдан хабардор бўлган киши орага нифоқ уруғини сочиши мумкин. Уша ижтимоий-сиёсий институт жуда ғалати муаммоларни тадқиқ этяпти экан-да.

Бундай «тадқиқот»лар буюртмаси ҳақиқий сиёсатчилар ҳазар қиладиган ғоят ўзига хос ва алоҳида мақсадлар учун берилади, бу гап сиёсатфурушларга тааллуқли эмас — уларда виждон йўқ. Ахир сиз ва сизнинг «буюртмачи»ларингиз бадбин ишларни бошқаларнинг қўли билан бажаришга уринаркансизлар, бу иш ҳамма нарсага ёрдам берса ҳам, фақат ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничиликка хизмат қилмаслигини олдиндаи биласизлар-ку. Текшириб кўрилса, сизнинг ўзингиз ҳам она Россияда юз бераётган жиддий сиёсий ўйинда кичик қўғирчоққа айланиб қолгансиз. Ҳозир сиз россияликларни энг муҳим муаммоларни ҳал этишдан чалғитишда Россиядаги муайян кучларга ёрдам бераётган экансиз, улар сиздан ҳамда сизнинг Ўзбекистонда «демократияни бўғиш» тўғрисидаги сафсаталарингиздан фойдаланаверишади. Марҳум Ильич вақтида шундай бўлган эди; «Африкадаги очларга ёрдам берамиз!», «йўқолсин Чилидаги хунта!» деб бақирган эдик.

Тўтиқуш шарманкачининг елкасида туриши керак. Фақат икки нарсани эслатиб қўймоқчимиз; биринчиси — тўтиқуш ўзи эшитган ҳамма гапни такрорлайверса — эгаси ундан қутилиш йўлига ўтади, иккинчиси — сиёсий шарманкачилар ўз қавмига нисбатан қаттиқ ва шафқатсиз йўл тутадилар.

**А. ФАДЕЕВ.**

# Хориждан хабарлар

**Кеча Қоҳиранинг энг муҳташам Замалек туманидаги ёшлар спорт клуби ёнида бомба портлади.**

Портлаш натижасида ҳеч ким шикастланмади.

Кейинги вақтларда Миср пойтахтида деярли ҳар ҳафтада мана шундай ғаламисликлар содир бўлиб, одамлар қурбон бўлмоқда. Бу жиноятлар учун Мисрда Ислом давлати барпо этишга ҳаракат қилаётган аҳлдапараст баттолларнинг гуруҳлари жавобгардирлар. Кейинги 16 ой мобайнида Мисрда газандалик ҳаракатлари натижасида 150 дан ортиқ киши ҳалок бўлди, 300 киши яраланди.

* * *

**Афғонистон Ислом давлатининг Бош вазири Г. Ҳикматёр Қобул яқинидаги қароргоҳида мамлакат шимолидаги оз сонли миллатлар раҳбари, ўзбек ашкарларининг қўмондони, армия генерали Абдулрашид Дўстум билан биринчи марта учрашди.**

Рейтер ахборот маҳкамасининг Афғонистон пойтахтидан хабар қилишича, икки соат давом этган учрашувдан кейин Дўстум суҳбат «Дўстона муҳитда ўтди», деди. Ҳикматёр журналистларга учрашув якунларини шарҳлашдан бўйин товлади.

* * *

**Ислом давлатлари Ташқи ишлар вазирларининг Исломободда ўтаётган кенгаши қатнашчилари БМТга мурожаат этиб, Босния ва Герцеговинада ўт очишни тўхтатиш учун тузукроқ чоралар кўришга чақирди.**

Ислом конференцияси ташкилотининг бош котиби Ҳамид Ал-Ғабид шошилинч учрашувда сўзга чиқиб, собиқ Югославиядаги мусулмон аҳолини қирғиндан омон сақлаш учун БМТ хавфсизлик кенгаши билан Европа давлатлари ҳеч нечикмай қатъий ҳаракат қилишлари зарурлигини айтди.

* * *

**Ироқ халқаро ҳамжамиятининг Бағдод яқинидаги иккита ракета полигонига видеокамера ўрнатиш ҳақидаги талабини бажаришдан бош тортгани сабабли БМТ билан Ироқ ўртасидаги муносабатлар ҳаддан ташқари кескинлашди.**

Ироқликлар АҚШнинг мазкур полигонларга зарба уриш эҳтимолига қарши эҳтиёт чорасини кўриб қўймоқдалар.

* * *

**«Япониянинг назарида, дунёдаги оттита етакчи мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 7-9 июль кунлари Токиода ўтказилган кенгаши ҳар жиҳатдан ғоят муваффақиятли бўлди, — деди мамлакат Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котибининг ўринбосари Садаюки Нумата.**

Дипломат РАТА-ТАСС мухбирининг саволига жавоб қайтарар экан, Россиядаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш соҳасида муайян силжишга эришилганини таъкидлади.

* * *

**Сомали генерали Муҳаммад Фарах Айдид маслаҳатчиларининг кенгаши ўтаётган бинога БМТ кучларининг вертолётларидан ўт очилди.**

Натижада Могадишо аҳолисидан камида 30 киши ҳалок бўлди.

Бу ҳужумдан ғазабга келган сомалиликлар оломони уч нафар хорижий журналистни тилка-пора қилиб ташлади.

* * *

**Нигерия миллий мудофаа ва хавфсизлик кенгаши мамлакатда янги президент сайлови ўтказишга қарор қилди.**

12 июнда бўлиб ўтган аввалги президент сайлови натижаларини федерал ҳукумат бекор қилган эди. Жамоатчилик бундан норози бўлган, мамлакатнинг энг катта шаҳри — Лагосда тартибсизликлар чиққан ва камида 100 киши ҳалок бўлган эди.

* * *

**ЖАРдаги африкаликлар миллий конгресси билан Зулусларнинг «Инката фриддом парти» ташкилоти тарафдорлари ўртасидаги тўқнашувларда 107 нафар кора танли ҳалок бўлди.**

Бундай тўқнашувлар Йоханнесбург атрофида кора танлилар яшайдиган жойларда июль ойининг бошларидан бери давом этмоқда.

* * *

**Япониянинг Хоккайдо ва унга туташ Окусирин оролларида зилзила бўлиб, денгиз тўлқинларининг кучуни натижасида қурбонлар кўпаймоқда — ҳозиргача 71 киши ҳалок бўлди, 169 киши бедарак йўқолди.**

Рихтер жадвали бўйича 7,8 балли зилзиланинг маркази Хоккайдо оролидан жанубий-гарбдаги денгиз тубининг 50 километр чуқурлигида жойлашган.

• *Акс-садо*

# НОМИНГ ПРОФЕССОР БЎЛСА

**Профессор Лерман Усмоновнинг «Московские новости» газетасининг 11 ва 18 июль сонларида босилган мақолаларини ўқир экансан, жаҳон жамоатчилиги яқинда туғилган кукининг 100 йиллигини нишонлаган шоир Владимир Маяковскийнинг сатрларини эсладим. Шоир: «Агар сигир бўлса сенинг номинг, сенда бўлур сут ва ёғи, сути ёғининг бўлмаса, сигир номингдан не фойда», деган мазмунда ёзган эди.**

Профессор Лерман Усмонов фақат «Московские новости»да эмас, «Литературная газета»да ҳам сўнгги ойларда бир неча мақолалар эълон қилиб, уларда Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий воқеаларни ва ўзгаришларни ўзанча, ғаразли равишда бузиб кўрсатиб келяпти. У ана шу мақолаларида ўзи ғоят таҳминий ва маҳкум тасаввурга эга бўлган воқеалар ҳақида ҳамма нарсани биладиган олим сифатида фикр юритмоқчи бўлади. Бугина эмас. Бизга қандай яшашни ҳам ўргатмоқчи бўлади. Фактларни бузиб кўрсатиш ёки тўғридан-тўғри туҳмат қилишдан уялмай, ўзи туғилиб ўсган диёрдаги ҳамма нарсага лой чаплайди.

Унинг ёзганлари кимларнингдир қалбига етиб борди, одамларда катта қизиқиш уйғотди дея одмайман... Лекин қанчагача чидаш мумкин? Профессорнинг ўзига ҳам, унинг мақолаларига ҳам баҳо бериш, ўз саҳифаларини шубҳали шахсга бериб қўяётган нуфузли нашрларни иши шу таҳлит кетса, Ўзбекистондаги кўп миллионли газетхонлар орасида ишонч ва обрўдан маҳрум бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш пайти келди, чоғи. Бу ишни Л. Усмонон кўп йиллар давомида ишлаган ва кейин ҳайдалган муассасанинг раҳбари сифатида мен бажаришим ўринлига ўхшайди.

У бу ерда бирор яхши иш қилиб, ўзидан яхши хотира қолдиргани йўқ. Тўғри, унинг ўқитиш, сабоқ бериш имконияти бор эди. Таълим бериш профессор, филология докторининг халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институти тиллар кафедраси мудири лавозимидаги бурчи, вазифаси эди. Лекин бу вазифани яхши бажаргани йўқ. Шу сабабли шу йил май ойида институтдан бўшатилди — қандайдир сиёсий ёки ғоявий сабаблар билан эмас (энди у ўзининг ишдан бўшатилиш сабабини худди шундай кўрсатишга уринмоқда), балки ўзининг касбига доир фаолиятига, лавозими билан боғлиқ бурчларига масъулиятсизлик билан қарагани учун ишдан бўшатилди. У меҳнат интизомини кўп марта бузди, унинг устидан ёзилиб, тўпланиб қолган жуда кўп рапортлар ва муҳокама баёнлари шундан далолат бермоқда, у тингловчилар малакасини ошириш сифатини таъминламади, таъминлашга ҳаракат ҳам қилмади, лекцияларни кўпинча мавҳум сиёсий мавзудаги масъулиятсиз қуруқ гапларга айлантириб юборди.

Гўёки шу кунниинг талабларига, тингловчиларнинг ошиб бораётган сиёсий даражасига мос бўлиш учун шундай қилган эмиш... Амалда эса ўз ишини енгиллатиш, педагогика ва илм-фан соҳасидаги қобилиятсизлигини яшириш учун сафсатабозлик йўлига ўтди. Айни шу ўринда Маяковскийнинг сўзларини яна бир бор эслаш ўринли. Ахир, фан доктори илмий даражаси, профессор деган илмий унвон муайян илмий самарани, илм-фан ҳамда ўқитиш услубиятига шахсан ҳисса қўшишни талаб қилади. Лерман Усмонов эса институтда тўққиз йил ишлаган бўлса, шу вақт ичида бирорта ўқув қўлланмаси, бирорта услубий тусдаги илмий мақола тайёрлагани эмас — умуман фан доктори ва профессор номига мос келадиган бирор илмий иш қилгани йўқ.

Энди эса айрим устамонлар, унинг ақлий салоҳиятидан илм-фан ва таълимдан ғоят узоқ бўлган бошқа мақсадлар йўлида фойдаланишмоқда. Л. Усмонов мақолаларидан бирида ёзишича, у «ўз йўлини танлаб олган, чунки ўзбек «жаннатида» ҳукм сураётган ялпи қўрқув ва келишувчилик даврида кимдир ҳақиқатни айтиши керак» эмиш.

Ҳақиқат —муқаддас нарса. Ҳақиқатан ҳам, одамлар уни деб, ўзларининг илмий ёки сиёсий эътиқодларини ҳимоя қилиб гулханда ёнганлар, дорга осилганлар. Доринниг таъсирини сиғиб кўриш учун ўзларига вабо касалини юқтирганлар. Бошқаларга йўл кўрсатиш, гоянинг тўғрилигини текшириш учун одамлар ўзларини ҳамма нарсадан маҳрум этиб, ҳаётларини хавф остида қолдириб, қутбга ёлғиз йўл олганлар ёки океан сафарига чиққанлар...

Лекин бу гапларнинг Усмоновга ҳеч қандай даҳли йўқ. У ўзининг ёлғон гапларини жазосиз қолишини билиб, яна ёлғон гапиряпти. Унинг мақолаларидаги севимли мавзу — гўёки Ўзбекистонда бошқача фикрловчиларнинг қувғин қилиниши, муҳолифатдан ўч олиниши ҳақидаги сафсатадир, Л. Усмонов, шубҳасиз, ўзини шу муҳолифат қаторига киритади. Бироқ унинг «публицистик» мақолалари кўпдан буён туҳмат ёғдираётган, республика раҳбарияти ҳамда шахсан Президент — ҳозирги вақтда Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг вакиллари ҳурмат қилаётган инсонни тўғридан-тўғри ҳақорат қилаётган бўлса ҳам, шу ёзувларнинг муаллифини кимдир таъқиб этишга уринганлигини, уни Президент девонига ёки вазирликка, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига бирор марта судбатга чақиришганини эслай олмайман...

Унинг ўзи бошқача фикрловчиларни ҳамиша қувғин қилиб келган. Аввало Самарқанд педагогика институтида қувғин қилган, нгвогарлиги учун жамоа билан чиқиша олмай, у ердан кетишга мажбур бўлганидан кейин кафедра мудири лавозимини суиистеъмол қилиб, бир неча мутахассисларни ишдан кетишга ёки бошқа кафедраларга ўтишга мажбур қилганлиги фош бўлиб қолганидан сўнг Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтини ва бизнинг институтимизни тарк этишга мажбур бўлган. Ана шу «эрксевар» «демократ» ўзига бўйсунувчи ходимларни ҳамманинг кўз олдида ҳақорат қилишдан уялмай, уларни ножоиз ишларни бажаришга, ҳатто уйини таъмирлаб беришга мажбур қилган.

Л. Усмоновнинг бошқа публицистик «асар»ларида ҳам унинг ана шундай виждонсиз ва иккиюзламачилиги кўриниб туради. Масалан, майда, кам сонли миллатлар ва русийзабон аҳоли камситилаётгани ҳақида ёзади. Ҳолбуки, ўз вазифасига кўра, таълим рус тилида олиб бориладиган ҳамма мактаблар Россия ва Ўзбекистон халқ таълими вазирликлари ўртасида тузилган махсус шартномада кўзда тутилганидек, дарсликлар билан ўз вақтида таъминлаб турилганлигини билмаслиги мумкин эмасдн. Бу шартноманинг бажарилишини иккала томон мунтазам назорат қилиб туради.

Республикада қарор, топган барқарорлик ва тотувлик вазияти Л. Усмоновга маъқул келмайди. Шу сабабли унинг мақолаларн нафрат билан йўғрилган, одамлар орасига заҳарли шубҳа уруғини сочишга, биз эришган энг қимматли бойлик — халқлар ўртасидаги дўстликка раҳна солишга қаратилган. У Марказий Осиё ва Россия давлат раҳбарлари ўртасида жанжал чиқаришга уринмоқда, бунда ҳар қандай ёлғонлар на ҳақиқатни бузиб кўрсатишдан ҳам қайтмаяпти. Булар атайлаб қилинмоқда ёки филолог профессорнинг иқтисодиётдаги саводсизлиги сабабли юз бермоқда.

Москвадаги «тўртинчи ҳокимият» Л. Усмонов каби муаллифларнинг хизматидан фойдаланаётган экан, чиндан ҳам унга ҳавас қилиб бўлмайди. Унинг «Литературная газета»нинг 14 июль сонида босилган сўнгги мақоласи «публицист» тамом бўлганини, олдинги туҳматдан иборат мақолаларини такрорлаб, улардан «парча» келтира бошлаганини яққол кўрсатди. Шунга қарамай, у гердайиб, ҳамон ўз фикрини такрорлаяпти.

...«Московские новости»нинг 18 июль сонида босилган «фақат Петровдан қўрқишади» сарлавҳали туҳматдан иборат мақолани ўқиган одам бунга тўла ишонч ҳосил қилади. Унда Ўзбекистонда гўё бошқача фикрловчи кишиларни сиқ қилишаётгани, муҳолифатчиларни таъқиб этишаётгани ҳақидаги ўша эски гаплар яна такрорланади... бундай туҳматларни олдин ҳам ўқиганмиз.

Ўзбекистонда ҳам ўзбек, ҳам рус тилида, ҳам бошқа тилларда яхши ёзадиган истеъдодли журналистлар кўп. Лекин Москва матбуотидаги бузғунчиларни уларнинг хизмати қизиқтирмаётганга ўхшайди. Уларга ёмонроқ бўлса ҳам, виждонсиз ва эътиқодсиз, манфаат учун ўз отасини ва она ватанини ҳам сотиб юборишга тайёр турган бошқа жинслар керак.

**В. ШОУМАРОВ,**
**психология фанлари доктори, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтининг ректори.**




Чекиш соғлигингиз учун зарарлидир!

**Бизнинг Ўзбекистондаги савдо агентларимиз: "Мунис ЛТД", "Хесо ЛТД" фирмалари ҳамда "Фриа" фирмаси.**

Тўлиқ маълумотларни қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин: Тошкент, Катта Миробод кўчаси, 158 (Ивлев,67),

**Табани групп оф компаниз.**

**Телефонлар: (3712) 32-35-53, 54-06-70, 54-07-98, 55-35-49**
**Факс: (3712) 54-08-30**
**Телекс: 116416 TBANI, SU.**

# RICHMOND

*бошқарувчиси Аббосхон,*

Биз чекмайдиганларни чекишга даъват этмоқчи эмасмиз. Лекин чакувчилар сифатли "РИЧМОНД" сигаретларини чекишларини хоҳлаймиз.

## ТЕЗ ВА БЕТАШВИШ

Aviabrok

**"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси томонидан бажарилаётган ҳамма рейсларга "Авиаброк" фирмасида билет олишингиз ёки буюртма беришингиз мумкин. Биз саёҳат фирмалари ва алоҳида шахсларга хизмат кўрсатамиз.**
**"Авиаброк" фирмаси саёҳатчилар учун янги йўналишни таклиф этади - Бир вақтнинг ўзида икки мамлакат - Бахрайн ва Бирлашган Араб Амирликларига етти кунлик авиасаёҳат.**
**Бундан ташқари чартер рейслари билан Хитой, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон ва Таиландга саёҳатларни ҳам таклиф қиламиз.**

**Манзилимиз:**
**Тошкент, Нукус (собиқ Полторацкий) кўчаси, 73 "б", "Авиабанк" биноси, 3-қават.**
**Телефонлар: 54-79-41, 54-79-39.**

**Екатеринбург шаҳридаги Афғонистон фахрийлари иттифоқининг Свердловск вилоят бўлимининг "ОПЫТ" бирлашмаси**

СОЮЗ ВЕТЕРАНОВ АФГАНИСТАНА "ОПЫТ"

**Сизга ўз маҳсулотларингизни сотиш учун қулай имконият яратиб беради:**

- рэкетдан 100 % ҳавфсизликни таъминлашга кафолат берилади;
- ҳамма қулайликлари билан мехмонхоналар;
- омбор биноларн;
- амалий ва маданий ташрифлар учун автотранспорт ажратилади;
- ваколатхона хизматлари кўрсатилади;
- катта юк машиналари учун тўхташ жойи тайёрланади;
- маҳсулотлар учун ҳақлар 3 кун ичида нақд тўланади.

Буларнинг ҳаммаси маҳсулотларингизнинг Екатеринбург бозорида сотилган нархининг 15 % ҳисобига.
Бизга дарҳол қўнғироқ қилинг, бизда Урал бозорларидаги нархлар тўғрисидаги кундалик маълумотлар бор.

**Алоқа телефонлари: 8(3432) 57-18-16, 51-91-08, 51-65-04**
**Тошкентдаги ваколатхонамиз: Қўйлик массиви-2, 3в-уй. Телефон: 90-23-03**

Қуритилган меваларнинг таъми, ранги ва ҳиди сақланиб қолади. Бир стакан сувга солинган уч грамм қуруқ шарбат - янги олма, ўрик, сабзи соклори демокдир.
Қуритилган шарбатлар сақлаш, ташиш ва хойлаш учун қулайдир.
Қуритилган шарбатлар савдода, қандолатчилнкда, парфюмарияда зарурдир, ерда ҳам коинотда ҳам қулайдир. Ҳар қандай мева, ўсимлик ва гуллардан қуритилган шарбатлар!

**Жамоа хўжаликлари, кичик корхоналар, фермерларга ҚУРИТИЛГАН ШАРБАТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ УСКУНАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ**

Бизнинг жиҳозларда бир мисқол ҳам хом ашё зое кетмайди.
Экологик жиҳатдан тоза технология. Ускуна кичик ҳажмда, қулай ва ишлатишда соддадир. Хақ тўлаш ва отказиб беришда муаммолар йўқ. Ҳаммаси Тошкентда.

**Телефонлар: 69-94-35, 56-54-32.**
**Факс: 33-72-58, 33-76-40.**
**"Протон" илмий-техника корхонаси.**

**ХОКИМЛАР ВА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !**

*Агар Сизда ичимлик суви билан таъминлаш ва сувни тузлардан тозалаш муаммоси бўлса "Орзу" фирмаси хизматингизга тайёр.*
*Фирма 25, 50, 75, 150, 350, 700 м3соат қувватли дистилляцион тозалаш (ДОУ) ускунасини ўрнатиб бериш имкониятига эга.*
*Нархлар келишилган ҳолда.*

**Қуйидаги телефонлар орқали тўлиқ маълумот олиш мумкин: (3712) 45-39-50, 45-43-51, 45-45-41. Факс (3712) 34-93-42. Манзилимиз: Тошкент, 700003, Байнал-Минал кўчаси, 3."Орзу" фирмаси.**

Ўзбекистон саноат ва хужалик курилиши давлат корпорацияси масарруфидаги 160 ижара курилиш трести шуни маълум киладики, трестни очик турдаги акционерлик жамиятига айлантириш бўйича давлат комиссияси иш бошлади. Акционерлик жамияти 160 курилиш тресгининг конуний меросхўри бўлади.

Раҳбарият 160 кур трести маъмурияти


Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий «Интерсервис» бирлашмаси жамоаси «Интер» фирмасининг директори

**Дилшод МИРСАМУҚОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти жамоаси ассистент Ж. Урмоновга отаси, шу институтнинг собиқ ўқитувчиси

**Қарор УРМОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


**ХАЛҚ СЎЗИ**
**НАРОДНОЕ СЛОВО**

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халк сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулахмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Ситторов, навбатчи — О. Раҳимов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001 Буюртма Г—441. 97346 нусхада босилди. Ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.30
Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6